

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№7 (3) 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL



ISSN: 2181-1342 (Online)

Сайт: <https://scienceproblems.uz>

DOI: 10.47390/SCP1342V3I7Y2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 7 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васида Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

- Usmonov Axrorjon Rustamjon o'g'li*
AMALIY SAN'AT BILAN BOG'LIQ NOMODDIY MADANIY MEROSLAR 9-15
- Зоҳидов Қобилжон Тоиржонович*
ИЛК АРАБ-МУСУЛМОН ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА МАДИНА ШАҲРИНИНГ ЎРНИ 16-20
- Siddiqov Mirshod Baxtiyorovich*
SOVET HOKIMIYATINING QORAQALPOG'ISTON ASSRDA IJTIMOIIY TA'MINOT
SIYOSATI 21-26
- Хайназаров Баҳромжон Бахтиёрлович*
КАСПИЙОРТИ ВИЛОЯТИДА ТУБ БЎЛМАГАН АҲОЛИ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН ТАЪЛИМ
ТИЗИМИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН
(XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИ) 27-32
- Мансуров Музаффаржон Шарифжон ўғли*
СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЙИЛЛАРИДА МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ ТУРИЗМ ТАРҒИБОТИДА
ТУТГАН ЎРНИ 33-41
- Bobodustov Bobur Mirzaboyevich*
ZARAFSHON DARYOSIDAGI SUV AYIRG'ICH TIZIMLARINI TA'MIRLASHGA ROSSIYA
IMPERIYASI MA'MURIYATINING MUNOSABATI 42-47
- Саидбобоева Гулзора Нематжоновна*
XX АСРНИНГ 30–50-ЙИЛЛАР ДАВРИЙ МАТБУОТ МАТЕРИАЛЛАРИ – РЕСПУБЛИКАНИ
ЭЛЕКТРЛАШТИРИШГА ОИД МАНБА 48-55

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

- Казаков Олим Сабирович*
ЕТАКЧИЛИК ТАЪСИРИДА БОШҚАРУВНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ 56-60
- Utkirov Abbos Meyliyevich*
CHALLENGES IN IMPLEMENTING TQM IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS 61-67
- Umronov Eldorbek Sodirovich*
TURISTIK KORXONALAR DOIRASIDA TADBIRKORLIK FAOLIYATINI TASHKIL ETISH VA
RIVOJLANTIRISHNING IQTISODIY ASOSLARI 68-76
- Норбоев Аллаёр Исмоилович, Тулкинов Гайрат Кадилович*
ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ И НАПРАВЛЕНИЯ МЕНЕДЖМЕНТА В РАЗВИТИИ МОЛОДЁЖНОГО
ТУРИЗМА 77-82
- Xolmurotov Fozil Saribayevich*
MINTAQADA AHOLI TURMUSH FARAVONLIGINI OSHIRISHDA QISHLOQ XO'JALIK
MAHSULOTLARINI YETISHTIRUVCHI SUBYEKTLAR RO'LINI BAHOLASH 83-91
- Худайназарова Дилором Хайруллаевна*
ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ДОИРАСИДАГИ
РИСКЛАРИНИ СТРАТЕГИК ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ 92-100

Гойипназаров Санжар Баходирович
СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ ЖОРИЙ ЭТИШ НАТИЖАСИДА МЕХНАТ БОЗОРИДАГИ
ЎЗГАРИШЛАР101-110

Baxtiyorov Asrorbek Azizjon o'g'li
BANK MENEJMENTI ASOSLARI, UNING IQTISODIY MOHIYATI111-119

09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

Юлдашев Фаррух Абдурахманович
АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ЭХТИЁЖ ВА МАНФААТЛАРНИНГ ЎЗАРО УЙҒУНЛИК
ХУСУСИЯТЛАРИ120-126

Тожибоев Сарвар Пулатжон ўғли
ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИ127-132

Ismatov Shohruhbek Murod o'g'li
YANGI O'ZBEKISTONDA IJTIMOY DAVLAT BARPO ETISH VA UNING G'OYAVIY MAFKURAGA
ASOSLARI133-137

Abdullayev Temur Bobir o'g'li
TIL VA TAFAKKUR DIALEKTIKASINING BILISH JARAYONIDAGI ROLI138-143

Islamov Kamol Tashkulovich
UYG'ONISH DAVRI DUNYOQARASHIDA DINIY VA DUNYOVIY YONDASHUVLAR
NISBATI 144-150

10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Isanova Feruza Tulqinovna
O'ZBEK TILI XALQARO HUQUQ SOHASIGA OID LEKSIK BIRLIKLARINING FUNKSIONAL
XUSUSIYATLARI151-160

Ro'ziyev Elbek O'rol o'g'li
AMIR TEMUR VA TEMURIY HUKMDORLAR YORLIQLARIDA SIYOSIY NUTQ SHAKLLARINING
QO'LLANILISHI161-167

Мухамедова Феруза Баходир кизи
ФОРМИРОВАНИЕ ХУДОЖЕСТВЕННОЙ СИСТЕМЫ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ
А. КИМА.....168-174

Abdullayev Ikramjon Xashimdjanoich
TILSHUNOSLIKDA SO'Z VA SO'Z TURKUMLARI: TADQIQI VA TAVSIFI175-180

Tagayeva Sayyora Ulashovna, Inoyatillo Ozoda
FIZIKA FAKULTETI TALABALARIGA NEMIS TILINI O'QITISHDA INNOVATSION
METODLARINING QO'LLANILISHI181-185

Egamberdiyeva Mohidil Gulomjon qizi
MADANIYATLARARO MULOQOTDA NUTQIY ETIKETNING ANTROPOSENTRIK
TADQIQI186-190

12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР

- Жавлиев Нурали Баходирович*
МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ НИЗОЛАР ТУШУНЧАСИ ВА МАЪМУН-МОҲИЯТИ191-195
- Узакова Гўзал Шариповна*
БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН
ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ (ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ).....196-204
- Usmanov Alisher Tolmasovich*
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA MA'MURIY HUQUQBUZARLIK TO'G'RISIDAGI ISHLARNI
YURITISHNING SODDALASHTIRILGAN TARTIBI: MUAMMOLAR VA TAKLIFLAR205-213
- Авезова Элеонора Парахатовна*
РАВНОЕ ПРАВО ГРАЖДАН НА ПОСТУПЛЕНИЕ В ГОСУДАРСТВЕННУЮ ГРАЖДАНСКУЮ
СЛУЖБУ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН214-218
- Мукумов Бобур Мелибой угли*
ОЦЕНКА РЕГУЛИРУЮЩЕГО ВОЗДЕЙСТВИЯ ПРОЕКТОВ НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ
АКТОВ ПО ИСПОЛЬЗОВАНИЮ ТЕХНОЛОГИЙ БЛОКЧЕЙН. СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ
.....219-224
- Туракулова Назира Абдишукуровна*
СТАРТАП ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТУЗИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ:
ДАВЛАТ ВА НОДАВЛАТ НУҚТАИ НАЗАРИДАН225-232

13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

- Хўжамкелдиев Гафур Султон ўгли*
СПОРТ МАШҒУЛОТЛАРИ ЖАРАЁНЛАРИДА ТИКЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ233-237
- Aziz Hasanovich Rajabiy*
BO'LAJAK VOKAL O'QITUVCHILARINING INTELLEKTUAL-IJODIY FIKRLASH QOBILIYATINI
RIVOJLANTIRISH238-242
- Malikova Sevar Samatovna*
BO'LAJAK XOR RAHVARLARINING IJODIY QOBILIYATLARINI RIVOJLANTIRISH243-246
- Васильченко Ольга Анатольевна*
ТЕХНОЛОГИИ РАЗВИТИЯ ВОКАЛЬНО-ХОРОВЫХ НАВЫКОВ247-251
- Хојитуродова Маһлиёхон Кенжавоу қизи, Иномов Фахриддин О'рмонjonovich*
AN INNOVATIVE APPROACH TO THE DEVELOPMENT OF STUDENTS' MOVEMENT SKILLS
AND COMPETENCIES IN PHYSICAL EDUCATION CLASSES252-257
- Асадуллаева Наргиза*
БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ
МУСТАҲҚАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁННИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ258-265
- Mamadova Feruzaxon Mirzaaxmad qizi*
BO'LAJAK JISMONIY MADANIYAT MUTAXASSISLARINING PEDAGOGIK MADANIYATI VA
KOMPETENSIYASINI TAKOMILLASHTIRISHNING PEDAGOGIK MODELI266-272

<i>O'ktamova Navruza Botir qizi</i> BO'LAJAK JURNALISTLARGA INGLIZ TILINI O'QITISHDA SOTSIOLINGVISTIK KOMPETENSIYANI TAKOMILLASHTIRISH (SIYOSIY-IJTIMOIIY MATNLAR MISOLIDA)	273-277
<i>Humonjonov Shoxzodbek Dilshodjon ўғли</i> ОЛИЙ ТЕХНИКА ТАЪЛИМИДА МЕХНАТ МУҲОФАЗАСИ ВА ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ЭЛЕКТРОН МЕТОДИК АСОСЛАРИНИНГ ИЛМИЙ АҲАМИЯТИ	278-287
<i>Xuramov Ilxom Panjiyevich</i> PROFESSIONAL TA'LIM TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH YUZASIDAN ISLOHOTLARNI JADALLASHTIRISH VA KASBIY KO'NIKMALARNI RIVOJLANTIRISH	288-292
<i>Azizbek Umarov</i> MEDIATA'LIM – TALABALARNING MEDIA MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHGA YO'NALTIRILGAN FAN TARMOG'I SIFATIDA	293-299
<i>Saidova Zilola Gadoymurodovna</i> TA'LIM INTEGRATSIYASINING AYRIM MASALALARI	300-307
<i>Raxmonova Gulrux Ulashevna</i> O'ZBEK XALQINING MILLIY HARAKATLI O'YINLARIDAN JISMONIY TARBIYA DARSLARIDA SAMARALI FOYDALANISH YO'LLARI	308-312
<i>Boynazarova Sayyora Ruzikulovna</i> BIOLOGIYA O'QITUVCHISI KASBIY KOMPETENSIYALARI VA KOMPETENTLIGINI MONITORING QILISHNING MAVJUD METODIKASI VA UNI TAKOMILLASHTIRISHNING NAZARIY ASOSLARI	313-317
<i>Shermuhammadov Bahodirjon, Xasanova Ozodaxon Qurvonali qizi</i> MDH OLIMLARI TOMONIDAN CHET TILLARNI O'RGANISHDA UCHRAYDIGAN XATOLAR MAVZUSIDA OLIB BORGAN TADQIQOTLAR TAHLILI	318-323
<i>Abdusalimova Nargizaxon Olimjon qizi</i> MAKTAB TA'LIM TIZIMIDA STEAM TEXNOLOGIYASIDAN FOYDALANIB FIZIKA DARSLARINI TASHKIL ETISHNING AFZALLIKLARI	324-329
<i>Shafiyeva Elnara, Murotmusaev Komiljon Buribaevich</i> THE CHARACTERISTICS OF MENTAL HEALTH IN ELDERLY PEOPLE	330-349

13.00.00- Педагогика фанлари

Нумонжонов Шохзодбек Дилшоджон ўғли,
мустақил тадқиқотчи
Фарғона политехника институти

**ОЛИЙ ТЕХНИКА ТАЪЛИМИДА МЕХНАТ МУҲОФАЗАСИ ВА ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ
ҚОИДАЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ЭЛЕКТРОН МЕТОДИК АСОСЛАРНИНГ ИЛМИЙ
АҲАМИЯТИ**

Аннотация. Барча ўқув фанлари қатори меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларини ўқитишда замонавий ахборот технологияларнинг охириги ютуқларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу мақолада олий техника таълимида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларини ўқитишда электрон методик асосларнинг илмий аҳамияти ёритиб берилган.

Калит сўзлар: меҳнат муҳофазаси, техника, техника хавфсизлиги, техника хавфсизлиги қоидаси, АКТ, компьютер, электрон манба.

Numonjonov Shokhzodbek Dilshodjon ugli
independent researcher
Fergana Polytechnic Institute

**SCIENTIFIC SIGNIFICANCE OF ELECTRONIC METHODOLOGICAL FOUNDATIONS IN
THE TEACHING OF THE RULES OF LABOR PROTECTION AND TECHNICAL SAFETY IN
HIGHER TECHNICAL EDUCATION**

Abstract. Among all educational subjects, it is important to use the latest achievements of modern Information Technology in the teaching of the rules of labor protection and Technical Safety. This article highlights the scientific significance of electronic methodological foundations in the teaching of the rules of labor protection and technical safety in higher technical education.

Keywords: labor protection, technique, technical security, technical security rule, ICT, computer, electronic resource.

Нумонжонов Шохзодбек Дилшоджон угли,
независимый исследователь
Ферганский политехнический институт

**НАУЧНАЯ ЗНАЧИМОСТЬ ЭЛЕКТРОННЫХ МЕТОДИЧЕСКИХ ОСНОВ ПРИ
ПРЕПОДАВАНИИ ПРАВИЛ ОХРАНЫ ТРУДА И ТЕХНИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ В
ВЫСШИХ ТЕХНИЧЕСКИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ**

Аннотация. Среди всех учебных предметов важно использовать новейшие достижения современных информационных технологий при преподавании правил охраны труда и технической безопасности. В данной статье освещается научное значение электронных методических основ при

преподавании правил охраны труда и технической безопасности в высших технических учебных заведениях.

Ключевые слова: высокие технологии, охрана труда, техническая безопасность, правила технической безопасности, ИКТ, компьютер, электронный ресурс.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SCP1342V3I7Y2023N40>

Бугунги кунда Республикамизда таълим тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали унинг са-марадорлигини ошириш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, “Электрон таълим” миллий жараёни барпо этилди. У мустақил таълим олишга йўналтирилган бўлиб, ўқитиш жараёнида ўқитувчининг шахсан иштирок этишга зарурият қолмайди, таълим олувчилар барча топшириқларни мустақил бажаришга, ўқув жараёнини такомиллаштиришга имконият яратилади[1]. Ўқув жараёнида кафолатланган натижага эришиш эса машғулотларда ахборот-коммуникация технологиялардан самарали фойдаланишни кўзда тутуди. Ўқув машғулотларини самарали ташкил этишда компьютернинг дастурий воситалари асосида яратилган ўқув-услубий материаллар ва электрон ўқув адабиётлардан (электрон дарслик, электрон ўқув қўлланма ва бошқалар) фойдаланишдан асосий мақсад замонавий ахборот-таълим муҳитини шакллантириш, ахборот-педагогик ва компьютер технологияларини қўллаш орқали таълим жараёнининг самарадорлиги, сифати ва унумдорлигини ошириш, таълимнинг масофадан ўқитиш усуллари амалда жорий этиш ва умумжаҳон электрон ўқув тизимига киритишдан иборат.

Ўқув адабиётлари билан боғлиқ бўлган кўп тушунчалар охириги йиллар давомида сезиларли даражада ўзгарди, қуйида электрон ўқув адабиётларга тегишли бўлган айрим тушунчаларнинг тавсифини келтирамиз[2].

Дарслик – давлат таълим стандарти ва ўқув дастурига мос келувчи, ўқув фани ёки унинг бўлими, қисмининг тизимли баёнини ўз ичига олувчи ва шу турдаги нашр сифатида расман тасдиқланган ўқув нашри.

Ўқув қўлланма – дарсликни қисман ёки бутунлай тўлдирувчи ва шу турдаги нашр сифатида расман тасдиқланган нашр.

Электрон ўқув адабиёти – замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотларни жамлаш, тасвирлаш, янгилаш, сақлаш, билимларни интерфаол усулда тақдим этиш ва назорат қилиш имкониятларига эга бўлган манбадир.

Электрон дарслик – компьютер технологиясига асосланган ўқув услубини қўллашга ҳамда фанга оид ўқув материаллар, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарадор ўзлаштирилишига мўлжалланган манбадир.

Мультимедиали электрон дарслик – ҳаракатли, товушли, кўрғазмали ва мультимедиа имкониятларига эга бўлган электрон дарслиқдир. Бошқачароқ айтганда, мультимедиали электрон дарслик мультимедиа технологияси ёрдамида ахборот-таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтирувчи электрон дарслиқдир.

Мультимедиали ўргатувчи мажмуа – бу таълим олувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг ахборот – методик воситаси бўлиб, у ўз ичига аниқ таълимий вазифаларни ҳал қилиш учун турли кўринишдаги (видео маъруза, махсус

видеороликлар ва бошқалар) ўзаро бир-бирига боғлиқ ахборотлар иштирок этадиган мустақил ва янгиланадиган интерфаол нашрларни олади.

Техника олий таълим муассасаларида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларини ўқитиш бўйича яратиладиган мультимедиали ўргатувчи мажмуа эса олий таълим муассасаларида талабаларни бўлажак касбий фаолиятга тайёрлашнинг ахборот – методик воситаси сифатида қуйидаги асослар бўйича таснифланиши мумкин:

1) тизимлаштирилган назарий билимларни ўз ичига оладиган ҳамда талабаларда умуммаданий ва касбий компетенцияларни шакллантириш мақсадида фан ўқув дастурларида кўзда тутилган ва эгалланиш лозим бўлган фаолият турларини белгиладиган ўқув-назарий мультимедиали ўргатувчи мажмуалар. Улар дарслик, ўқув қўлланма, маърузалар курси, алоҳида маърузалар каби кўринишларда тақдим этилиши мумкин;

2) алоҳида мезонлар бўйича тартибланган ва интерфаол шаклда баён этилган, шунингдек мантиқийлик ва баённинг изчиллиги билан фарқланувчи ахборотни ўз ичига оладиган ўқув-амалий мультимедиали ўргатувчи мажмуа. Бундай мажмуалар, практикумлар, масала ва машқлар тўплами, албомлар, атласлар ва бошқа кўринишида тақдим этилиши мумкин;

3) ўқув фанини мустақил ўрганиш учун тартибланган ўқув материалларини, интерфаол шаклда баён этиладиган билимларни мустаҳкамлаш методикасини ўз ичига оладиган ўқув-методик мультимедиали ўргатувчи мажмуалар. Ушбу турдаги мультимедиали ўргатувчи мажмуа услубий тавсиялар, ўқув-маълумотномали нашрлар, атамалар луғатлари, ўқув-библиографик маълумотномалар каби кўринишларда тақдим этилиши мумкин[3].

Ахборот технологиялари асосида фундаментал фанларни ўқитиш самарадорлигини ошириш муаммолари, бунда электрон ўқув адабиётлардан фойдаланиш хусусида кўпгина тадқиқотлар ўтказилган, қуйида шу масалаларга тўхталиб ўтамиз[4].

Дарсларнинг сифати ўқитилаётган мавзуга ўқитувчининг нечоғли маъсулият билан ёндашиши, унинг мазмунини талабаларга етказишга қаратилган маҳорати ва фаолияти билан белгиланади.

Айни вақтда таълим муассасаларини компьютерлаштириш ўзининг юқори даражасига кўтарилиб, компьютерлар асосида янги ахборот технологияларини ҳаётга татбиқ қилиш кенг амалга оширилмоқда. Ахборотлар жамиятига ўтишда ҳар қандай етук даражали замонавий мутахассис компьютерлар, телекоммуникация ва бошқа алоқа воситаларидан унумли фойдалана олишни билиши зарур. Шундай экан, бўлажак етук мутахассисларимизни билимли ва замон талаблари даражасида тайёрлаш учун олий таълим муассасаларида таълим сифатини бошқаришда ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш яхши натижа беради. Аудиторияларни замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш ва улардан дарс жараёнида фойдаланиш, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларини ўқитишдан амалий машғулотларни олиб боришда замонавий техника воситалари, яъни компьютерлар, проекторлар, видео, аудио воситаларни қўллай билиш таълим сифатини янада оширади.

Техника олий таълим муассасаларида тайёрланаётган бўлажак муҳандисларда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигига оид компетенцияларни шакллантириш, назарий билимларни ўзлаштириш, амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришни, шунингдек ишлаб чиқаришда рўй бериши мумкин бўлган турли хил шикастланишлардан огоҳлантиришни, жароҳатланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш ва ишларни хавфсиз методлар билан ташкил этишни назарда тутати.

Масалан, электр хавфсизлиги ва электр мосламалари ҳамда ерга улаш мосламалари бўйича мультимедиа ўргатувчи мажмуа мазмунига умуммаданий ва касбий компетенцияларни шакллантиришни таъминловчи қуйидаги ўқув материаллари киритилган:

- электр хавфсизлиги асослари;
- ерга улаш мосламаларини монтаж қилиш бўйича операциялар (монтаж қилиш технологияларини билиш, сошлаш, конструкцияларни синаш ва фойдаланишга топшириш, муҳандислик тизимлари ва қурилиш объектлари жиҳозлари, корхона чиқарадиган маҳсулот намуналарини билиш; жиҳозлар ва техник таъминот воситаларини тажрибавий текшириш методларини эгаллаш;
- қурилиш объектлари, жиҳозлари, техник ҳолатни ва қолдиқ ресурсни баҳолаш методларини эгаллаш;
- электр мосламаларини ерга улашни ҳисоблаш методикаси (табiiй фанларнинг асосий қонунларини, математик моделлаштириш, назарий ва экспериментал тадқиқот методларини қўллаш);
- электр мосламаларини ерга улаш масалаларини лойиҳалаш алгоритми (муҳандислик тадқиқотларини ўтказиш методларини эгаллаш);
- электр жиҳозлари қурилмалари қоидалари (муҳандислик тадқиқоти соҳасидаги меъёрий базалар, бино ва иншоотларни лойиҳалаш тамойилларини билиш);
- электр жиҳозларни ишлатишда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларини ўқитиш бўйича тармоқлараро қоидалар (ишлаб чиқариш ходимлари ва аҳолини рўй бериши мумкин бўлган авария, ҳалокат, бахтсиз ҳодисалардан ҳимоялаш методикаси асосларини эгаллаш)[5].

Масофали таълимга мўлжалланган ахборот воситаларининг шиддат билан ҳаётимизга кириб келиши информацион технологиялар асосида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларини ўқитиш таълимида янги вазифаларни келтириб чиқармоқда. Шу ўринда мезонлар, уларнинг мақсадларини англаш ва англатиш услубларини ишлаб чиқиш, ўз-ўзини мўтадиллашни сайқал топтирувчи телекоммуникацион усул ва стилистикасини яратишга интилишнинг зарурлигини билдиради. Информацион технология талабаларда муҳим ижтимоий эҳтиёжларни фаоллаштиради, чунки бу воситаларни кузатиш орқали тингловчи янги жараёнда ўз ўрни борлигини ҳис эта бошлайди. Информацион технология орқали педагог ўзининг ахборотлар мажмуини кўпайтирибгина қолмасдан, дунёнинг исталган бурчагидаги касбдошлари билан амалда мулоқотда бўлиш имконини қўлга киритади. Бу эса дарс сифатини оширишга ҳамда янги усул технологияси самарадорлиги унда эришилган натижа, вақт сифати билан баҳоланишини ҳисобга олсак, у пайтда таълим жараёнида ҳам янги сифат томонларини шакллантиришга тўғри келади.

Ҳозирги кунда энг содда ва мураккаб табиий ҳодисаларгача компьютер ёрдамида моделлаштирилмоқда, тадқиқот ўтказишда ҳисоблаш эксперименти вазифасини ўтамоқда, яъни ҳисоб-китобларнинг инсонни зериктирадиган томонларини ўз зиммасига олмоқда, тадқиқотчи фаолиятини фаоллаштиришга хизмат қилиб, оддий кўз билан илғаб олиш мумкин бўлмаган ҳолларда замонавий ахборот воситалари кўмагида “кўрмоқда”, натижалар тўплаб, унинг долзарблигини, сифатини текширишга имкон бермоқда. Умуман, ўқув жараёнида назария ва амалиётни биргаликда ўтказиш яхши натижалар беради.

Илмийлик тамойили асосида мультимедиали ўргатувчи мажмуа учун ўқув материални танлаш, талабаларда каталоглар, архивлар ва ахборот шакллари билан ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш; картотекаларни тузиш, аннотациялар, блок-схемалар, ўқув-ишлаб чиқариш лойиҳаларни тузиш, чизмалар, диаграммалар ва графикларни яшаш, тақдимотлар тайёрлашга имкон беради. Масалан, электр хавфсизлиги ва электр мосламалари ҳимоя қилиш ерга улаш қурилмалари бўйича мультимедиали ўргатувчи мажмуада намунавий харитани ўз ичига олган модулда, талабаларга ишларнинг алоҳида турларини бажаришга оид технологик харитани яратиш бўйича маҳаллий ва хорижий тажрибаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, ўрганилган шаклда шарҳлаш, ҳисобот тайёрлаш шунингдек ишларнинг алоҳида турларини бажариш таклиф этилади[6].

Замонавий мутахассислар эга бўлиши керак бўлган билим, кўникма ва малакалар мазмуни узлуксиз ўзгариб, ҳажми ошиб бормоқда. Олий техника таълимида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларини ўқитишнинг инновацион методик асосларини такомиллаштиришда инфорацион технологияларидан самарали фойдаланиш керак. Ўқув жараёнида инфорацион технологиялар ўрганиш объекти сифатида ҳам, ўқитиш мазмунини ўзлаштириш ривожига ва диагностикаси, тарбия ва ўқитиш воситаси сифатида ҳам бўлиши мумкин.

Олий техника таълимида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларини ўқитишнинг инновацион методик асосларини такомиллаштириш қўйидаги шароитларда самаралироқ бўлади:

- меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларини ўқитиш соҳасида билим, кўникма ва малакаларни шакллантирувчи, талабаларнинг касбий тайёрлигининг ҳозирги жамият талабларига мослигини таъминловчи тизимнинг мавжудлиги;

- талабаларда зарурий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш имконини берувчи мос услубий таъминот ва моддий ўқув базанинг мавжудлиги.

Олий техник таълимда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларини ўқитишнинг методик асосларини ташкил этувчи педагогик қонуниятлар қўйидаги хусусиятларда намоён бўлади:

- мақсадларнинг ўзаро алоқаси, таълимни ахборотлаштириш шартлари ўқитишнинг услуб ва мазмуни, инфорацион технологияларидан фойдаланиш билим ва малакаларининг сифатини ўқитиш воситалари тизимига ва талабанинг шахсий хусусиятларига боғлиқлиги;

- инфор­ма­цион тех­но­ло­гия­ла­ри, энг ав­ва­ло, му­та­хас­сис­нинг бў­ла­жак кас­бий фао­лият со­ҳа­си­да­ги би­лим­ла­рининг кен­га­йи­ши, чу­қур­ла­шу­ви ва му­ста­ҳ­кам­ла­ни­ши воси­та­си экан­ли­ги;

- маш­ғу­лот­лар ва ди­дак­тик воси­та­лар­нинг асо­слан­ган ва та­жри­ба­да тек­ши­рил­ган ти­зи­ми та­ла­ба­лар­ни ўқиш жа­ра­ё­ни­да ин­фор­ма­цион тех­но­ло­гия­лар­дан фой­да­ла­ни­шга тай­ёр­ла­ш­нинг зару­рий да­ра­жа­сининг таъ­мин­ла­ган­ли­ги.

Элек­трон ўқув ада­биёт­ла­ри­ни яра­тиш тех­но­ло­гия­ла­ри билан М.Оли­мов, А.Жума­бо­ев­лар тад­қи­қот­лар олиб бо­ри­ш­ган. Унга кўра, ме­ҳ­нат му­ҳо­фа­за­си ва тех­ника хав­ф­сиз­ли­ги қо­и­да­ла­ри­ни ўқи­ти­ш­нинг ме­то­дик асо­сла­ри­га доир му­ль­ти­ме­ди­а­ли элек­трон ўқув ада­биёт­ла­ри­ни яра­тиш­да қуйи­да­ги­лар­га эъти­бор бе­риш зару­р­ли­гини таъ­кид­ла­ш­ган[7]:

- фан мав­зу­ла­ри ва ма­те­ри­ал­ла­рининг ол­дин­дан ту­зил­ган ҳам­да та­с­диқ­лан­ган на­му­на­вий ва иш­чи да­сту­р­ла­ри­га мос бў­ли­ши;

- ҳар бир мав­зу ма­те­ри­ал­ла­ри етар­ли ва тў­лақон­ли тар­зда ёри­ти­ли­ши ҳам­да мос ҳол­да ке­рак­ли гра­фик та­с­вир­лар, анимация­лар, жад­вал­лар билан тўл­ди­рил­ган бў­ли­ши;

- ҳар бир мав­зу ёки бў­лим ма­те­ри­ал­ла­ри­ни ўз­ла­шти­риш жа­ра­ё­ни­да ўз би­ли­мини на­зорат қи­лиш учун на­зорат са­вол­ла­рининг бе­ри­ли­ши, шу билан бир­га ҳар бир боб учун тест са­вол­ла­ри бў­ли­ши ва унга жа­во­б­лар­нинг ки­ри­ти­ли­ши. Агар тест си­нов­ла­ри ўт­казиш жа­ра­ё­ни­да ижобий жа­во­б олин­са на­в­бат­да­ги боб­га ўтиш учун ру­х­сат бе­ри­ли­шини та­ш­кил қи­лиш, акс ҳол­да ки­тоб­ни ўқи­шни да­вом эт­ти­ра ол­мас­ли­ги таъ­мин­лан­ган бў­ли­ши;

- бел­ги­лан­ган мав­зу ёки бў­лим­да­ги асо­сий та­янч сўз, иборалар­нинг аж­ра­тиб кўр­са­ти­ли­ши ва улар­га зару­рий ҳо­лат­лар­да кўпроқ маъ­лу­мот олиш им­ко­ния­тининг яра­ти­ли­ши.

Юқо­ри­да­ги таҳ­лил­лар на­ти­жа­си шуни кўр­са­т­ди­ки, ме­ҳ­нат му­ҳо­фа­за­си ва тех­ника хав­ф­сиз­ли­ги қо­и­да­ла­ри­ни ўқи­ти­ш­нинг ме­то­дик асо­сла­ри­га доир элек­трон ме­то­дик таъ­минот ян­ги пе­да­го­гик тех­но­ло­гия­лар ораси­да ало­ҳи­да ўрин эгал­лай­ди, од­дий дар­слик­дан қуйи­да­ги ху­су­сият­ла­ри билан туб­дан фарқ қи­ла­ди:

- ўқи­тув­чи­га энг яқин ус­лу­бий ёр­дам кўр­са­тув­чи воси­та;
- ме­ҳ­нат му­ҳо­фа­за­си ва тех­ника хав­ф­сиз­ли­ги қо­и­да­ла­ри­ни ўқи­ти­ш­нинг ме­то­дик асо­сла­ри­ни ўқи­ти­ш­нинг ҳар бир боб­ига, мав­зу­си­га те­ги­шли на­за­рий ва амалий маъ­лу­мот­лар, ла­бо­ра­то­рия маш­ғу­лот­ла­ри ка­би­лар­ни овоз­ли кўр­газмали воси­та­лар ор­қали кўр­са­тиш им­ко­ният­ла­рининг мав­жуд­ли­ги;

- тур­ли маъ­лу­мот­лар­нинг ҳа­ра­кат­да на­моён бў­ли­ши;
- фан­га оид амалий да­сту­р­лар мав­жуд­ли­ги;
- ме­ҳ­нат му­ҳо­фа­за­си ва тех­ника хав­ф­сиз­ли­ги қо­и­да­ла­ри­ни ўқи­ти­ш­га оид тест са­вол­ла­ри, топ­ши­риқ­лар, дам олиш ўйин­ла­рининг мав­жуд­ли­ги;

- маъ­лу­мот­лар­нинг их­чам­ли­ги;
- қисқа вақт ичи­да кўп маъ­лу­мот бе­риш им­ко­ния­тининг мав­жуд­ли­ги;
- та­ла­ба­лар­нинг ўз­ла­шти­риш са­ма­ра­дор­ли­гини юқо­ри бў­ли­ши.

Шу билан бир қатор­да та­ла­ба­лар­нинг му­стақил фао­лият кў­ник­ма­ла­ри­ни ри­вож­лан­ти­ри­шга, ўз­ла­шти­рил­ган би­лим­лар­ни кун­да­лик тур­муш амалиё­ти билан боғ­ла­ш­га, таъ­лим ва тар­бия­ни ў­за­ро чам­бар­час боғ­ла­ш­га, ўз­ла­шти­рил­ган би­лим­лар­ни му­ста­ҳ­кам­ла­ш­га хиз­мат қил­моғи зарур.

Мультимедиали электрон қўлланмалар яратишга қўйиладиган такомиллаштирилган асосий педагогик мазмуни 1.2-жадвалда келтирилган:

1.2-жадвал.

Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларини ўқитишга доир электрон қўлланмалар яратишга қўйиладиган асосий педагогик-психологик талаблар

№	Педагогик талаблар	Талаб мазмуни
1.	Мазмуннинг илмийлиги	Педагогика, психология ва олий техника фанларини назариясининг асосий тамойилларини ҳисобга олган ҳолда ўқув фаолиятининг мазмунини таъминлаш
2.	Очиқлик (ойдинлик)	Ўқув фаолиятини бошқаришнинг ихтиёрий усулини татбиқ қилиш имконияти, яъни бир томондан ўқитиш мақсадларига мос келувчи танлашнинг мавжудлиги, иккинчи томондан ўқув фаолиятини бошқариш усулларига ўзгаришлар киритиш, модификация имкониятларини таъминлаш
3.	Мақсадга йўналганлик	Ўрганувчини ўқитишнинг яқин ва узоқ мақсадлари, мақсадга эришиш даражалари ҳақидаги доимий ахборотлар билан таъминлаш
4.	Мотивлаштиришни таъминлаши	Ишнинг фаол шакллари, юқори кўргазмалилик, ўз вақтидаги тескари алоқа, мақсадга йўналганлик билан мустаҳкамланувчи доимий юқори мотивлаштиришнинг шаклланиши мотивлаштириш компьютернинг ўзигагина бўлган қизиқиш ҳисобига кетмаслиги лозим
5.	Кириш назоратининг мавжудлиги	Ўқувчининг иш олдидан ўқитишни индивидуаллаштириш мақсадидаги диагностикаси шунингдек, талаб қилинган биринчи ёрдамни кўрсатиш
6.	Ўқитишни индивидуаллаштириши	Ўқув фанининг яқкалаштириш мазмуни ва ўқув топшириқларининг қийинлиги талабаларнинг яқкаҳон ва ёши имкониятларига мос келиши ва тажрибадан ўтган билимлар, малака ва кўникмаларни ҳисобга олган ҳолда кўрилиши лозим. Яқкаҳон ёндашувни татбиқ қилиш учун дастур талабанинг динамик моделини ўз ичига олиши керак
7.	Ўқитишни ҳамкорликда олиб боришни таъминлаши	Дастур имкон қадар ҳамкорликдаги фаолиятини моделлаштириш керак

8.	Мантиқий ва тизимли фикрлашни шакллантириш и	Дастур ижодий фикрловчи қарама-қаршиликларни кўра олишга лаёқатли, шунингдек, мустақил равишда муаммоларни кўя олувчи ва ҳал қила олувчи мутахассисларни тайёрлашни таъминлаши лозим
9.	Тескари алоқани таъминлаши	Тескари алоқа педагогик нуқтаи назардан тўғри бўлиши керак, яъни у нафақат йўл қўйилган хатоликлар ҳақида, балки, уларни бартараф этиш ҳақидаги ахборотларни ҳам ўз ичига қамраб олиши керак
10.	Ёрдам тизимининг мавжудлиги	Ёрдам тизими кўп даражали, педагогик нуқтаи назардан асосланган, масалани ечиш ва уни ечиш усулининг ўзлаштирилиши учун етарли бўлиши керак
11.	Билимлар базаси мавжудлиги	Ўқув материални, билимлар базасини, топшириқлар банкини кўп даражали ташкил этишнинг мавжудлиги қўйилган талабларга риоя қилиш
12.	Интеллектуал ядронинг мавжудлиги	Дастурий воситалар эксперт тизимлари ва сунъий интеллект воситаларини қуришда фойдаланилган берилганларни қайта ишлаш усуллари татбиқ қилиш ҳисобига таъминлаш мумкин
13.	Педагогик эгилувчанлик	Дастур ўқувчига ўқиш стратегияларини ёрдам характери, ўқув материалнинг берилиш тезлигини танлаш ҳақида мустақил қарорни қабул қилишга имкон бериши керак. Аввал ўтилган ўқув материалга кириш имконияти, дастурдан унинг ихтиёрий жойида чиқиш имконияти таъминланган бўлиши керак
14.	Икки томонлама мулоқотни таъминлаши	Талаба савол бера олиш имкониятига эга бўлиши керак, бошқариш нафақат компьютер томонидан, балки ўрганувчи томонидан ҳам амалга оширилиши керак
15.	Орқага қайтиш имконияти	Мустақил ишлаш давомида талаба йўл қўйган хато ҳаракатларни ортга қайтариш ҳоллари кўриб чиқилган бўлиши керак
16.	Рефлексия мавжудлиги	Ўргатилаётган ҳаракатларни кетма-кет тўғрилаш мақсадида рефлексиянинг натижаларини дастур тўплаши керак
17.	Ҳужжатлаштириш имконияти	Дастур ўқитиш жараёнининг боришини ва унинг натижаларини зарурий ахборотларни тўплаши ва қайта ишлашига мўлжалланган модулларга эга бўлиши керак. Шунингдек,

		дастур таълимни бошқариш тизимининг мутахассисларини бошқариш ҳақида ҳам зарурий ахборотларни тўплаши ва қайта ишлаши лозим
--	--	---

Турли хил услублар, ўқитиш шакллари маълум дидактик тизимни ташкил этади. Бу тизим ўқитишда шахсий йўналтирилган ёндашувни акс эттиради, танқидий ва ижодий фикрлашни етарлича муваффақиятли шакллантиришга ёрдам беради, ахборот билан ишлаш малакасини шакллантириш имконини яратади. Буларга қуйидагилар киради: кичик гуруҳларда ўқитиш; ҳамкорликда ўқитиш (cooperative learning); лойиҳалар усули; турли даражали ўқитиш; “талаба сумкаси”; Интернет-технологиялар.

Интернет-технологияларнинг имкониятларини ўрганиб чиқиб, уларнинг масофавий ўқитишда фойдаланишнинг хусусиятларига тўхталамиз. Бунинг учун, базавий масофавий ўқитишнинг ахборот воситавий муҳитини кўрсатиш зарур. У масофавий ўқитиш курслари, электрон қўлланмаларни ўз ичига олади. Улар таълим серверларида жойлашган бўлади. Масофавий ўқитишнинг ахборот воситавий муҳити қуйидагилар бўлиши мумкин[8]:

- 1) виртуал кутубхоналар;
- 2) таълим ресурсларининг маълумотлар омбори;
- 3) ўқитиш мақсадларига мўлжалланган web-квестлар;
- 4) телекоммуникацион лойиҳалар;
- 5) ўқитувчиларнинг виртуал услубий бирлашмалари;
- 6) ўқитувчи ва талабалар учун форум ва телеконференциялар;
- 7) ўқитувчи, талаба ва ота-оналар учун виртуал маслаҳат марказлари;
- 8) талабаларнинг илмий бирлашмалари.

Мултимедиали электрон дарсликларининг асосий ташкил этувчилари бўлиб қуйидагилар хизмат қилади:

- 1) ташкилий ва сервис функцияларини бажарувчи навигатор-дастур, (фойдаланувчини рўйхатга олиш, ўрганилаётган фан бўйича маълумотлар, ўқитиш натижаларини белгилаш);
- 2) меню элементлари, статистик ва динамик тасвирлар, матнларни ўз ичига олган, ягона мантиқий структурага бирлашган ўзаро боғлиқ HTML ҳужжатлари тўпламини ўзида акс эттирган мултимедиали электрон дарслик;
- 3) автоматлаштирилган лаборатория практикуми;
- 4) билимларни текшириш ва синаб кўриш тизими.

Хулоса қилиб айтганда, электрон ўқув адабиётлар ўз мазмуни, тайёрланиш сифати даражасига кўра “дарслик-ўқитувчи” мақомига кўтарилиши, унда таълимни индивидуаллаштириш тамойилларига кўра мустақил ҳолда таълим олишнинг ҳамма хусусиятлари ўз аксини топиши зарур.

Адабиётлар/ Литература/ References:

1. Ҳамидов О. Олий таълим муассасаларида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси фани бўйича мултимедиали ўргатувчи мажмуалар яратиш// Kasb-hunar ta'limi -Ilmiy-uslubiy, amaliy, ma'rifiy jurnal. 2020 йил, 1 сон. -Б. 56.

2. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси / Тузувчилар: Каримов А.А., Имамов, Қ.И., Рўзиев Э.З., Бўтаёров О.С.. –Т.: “Шарқ” НМАК. 2002. – Б. 16.
3. Ҳамидов О. Олий таълим муассасаларида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси фани бўйича мультимедиали ўргатувчи мажмуалар яратиш// Kasb-hunar ta’limi -Ilmiy-uslubiy, amaliy, ma’rifiy jurnal. 2020 йил, 1 сон. -Б. 56.
4. Расулова Г.А., Тўраев Й.Т. Ахборот технологияси асосида фундаментал фанларни ўқитиш самарадорлигини ошириш муаммолари // Жамиятнинг ҳозирги замон тарраққиётида телекоммуникациялар ва ахборот технологияларининг роли ва аҳамияти: халқаро илмий конференцияси маърузалар тўплами. – Тошкент: ТАТУ, 27 - 30 сентябрь, 2005. III ТОМ. – Б.206 - 208
5. Ҳамидов О. Олий таълим муассасаларида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси фани бўйича мультимедиали ўргатувчи мажмуалар яратиш// Kasb-hunar ta’limi -Ilmiy-uslubiy, amaliy, ma’rifiy jurnal. 2020 йил, 1 сон. -Б. 58.
6. Ҳамидов О. Олий таълим муассасаларида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси фани бўйича мультимедиали ўргатувчи мажмуалар яратиш// Kasb-hunar ta’limi -Ilmiy-uslubiy, amaliy, ma’rifiy jurnal. 2020 йил, 1 сон. -Б. 59.
7. Олимов М., Жумабоев А. Электрон ўқув адабиётларини яратиш технологиялари // Ахборот–коммуникациялар технологиялар асосида электрон ўқув адабиётларини яратиш: тажриба, муаммо ва истиқболлар: Республика илмий–амалий анжумани маърузалар тўплами. –Тошкент: ТДИУ, 2004. – Б. 61.
8. Расулова Г.А. Масофавий таълим тизимининг асосий хоссалари ва имкониятлари // Таълим ва технология / Услубий мақолалар тўплами. – Фарғона, 2006. – Б. 174 – 176.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 7 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).